

**Риёзус солихийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1526-ҳадис**

1526 - وَعَنْ عُرْوَةَ بْنِ الزُّبَيْرِ: أَنَّ سَعِيدَ بْنَ زَيْدٍ بْنَ عَمْرِو بْنِ ثَقِيلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَاصِمَتُهُ أَرَوَى
بِنْتُ أَوْسٍ إِلَى مَرْوَانَ بْنِ الْحَكَمِ، وَادَّعَتْ أَنَّهُ أَخَذَ شَيْئًا مِنْ أَرْضِهَا، فَقَالَ سَعِيدٌ: أَنَا كُنْتُ أَخَذُ مِنْ
أَرْضِهَا شَيْئًا بَعْدَ الَّذِي سَمِعْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟! قَالَ: مَاذَا سَمِعْتَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «مَنْ أَخَذَ شَيْئًا مِنَ الْأَرْضِ
ظُلْمًا طَوَّقَهُ إِلَى سَبْعِ أَرْضِينَ» فَقَالَ لَهُ مَرْوَانُ: لَا أَسْأَلُكَ بَيِّنَةً بَعْدَ هَذَا، فَقَالَ سَعِيدٌ: اللَّهُمَّ إِنْ كَانَتْ
كَاذِبَةً فَأَعْمِ بَصَرَهَا، وَاقْتُلْهَا فِي أَرْضِهَا. قَالَ: فَمَا مَاتَتْ حَتَّى ذَهَبَ بَصَرُهَا، وَبَيِّنَمَا هِيَ تَمْشِي فِي
أَرْضِهَا إِذْ وَقَعَتْ فِي حُفْرَةٍ فَمَاتَتْ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3198، م 1610/139].

وَفِي رِوَايَةٍ لِمُسْلِمٍ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ زَيْدٍ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ بِمَعْنَاهُ، وَأَنَّهُ رَأَاهَا عَمِيَاءَ تَلْتَمِسُ الْجُدْرَ تَقُولُ:
أَصَابَنِي دَعْوَةُ سَعِيدٍ، وَأَنَّهُمَا مَرَّتْ عَلَى بَيْتٍ فِي الدَّارِ الَّتِي حَاصِمَتُهُ فِيهَا، فَوَقَعَتْ فِيهَا، وَكَانَتْ قَبْرَهَا
[م 1610/138].

1526. Урва ибн Зубайр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Саид ибн Зайд розияллоху анху билан Арво бинти Авс хусуматлашиб, Марвон ибн Ҳакам ҳузурига келишди. У аёл еридан бир парчасини Саид ибн Зайд олганини даъво қилди. Саид: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бунинг ёмонлиги ҳақида эшитганимдан кейин ҳам еридан бир парча олармидим?» деганида, «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан нима эшитгансан?» деди Марвон. Шунда Саид: «Расулуллоҳ соллаллоху

алайҳи васаллам: «Кимки зулм билан ердан бир қаричига эга бўлиб олса, етти (қават) ерга ўралади», деганларини эшитганман», деди. Буни эшитган Марвон: «Бундан кейин сендан далил-исбот сўрамайман», деди. Саид эса: «Аллоҳим, агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилиб, ўз ерида ўлдиргин», деди. Айтишларича, бу аёлнинг кўзи ўлишидан олдин кўр бўлиб, ўз ерида кета туриб, бир чуқурга тушиб вафот этди.

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслим Муҳаммад ибн Зайд ибн Абдуллоҳ ибн Умардан шу маънода ривоят қилдилар. Унда: «Ўша аёлни кўзи кўр ҳолда кўрдилар, у деворларни ушлаб пайпаслаб юрарди. У: Менга Саъийднинг дуоси теккан», дер эди. У хусуматлашга ўша ҳовлисидаги қудуқ ёнидан ўта туриб, унга қулади. Ўша қудуқ унга қабр бўлди», дейилган.

Шарҳ: Саид ибн Зайд (р.а.) олдинги ҳадисда айтилган Саъд ибн Абу Ваққос каби ашъараи мубашшарадан, яъни ҳаётлик пайтида жаннат башорат қилинган ўн бахтиёр саҳобадан бири эди. Илк муҳожирлардан бўлган Саид бадр ғазотидан бошқа бутун ғазотларга қатнашган. Бадрда бўлмаса ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ҳисса ажратганлар. Ундан қирқ саккиз ҳадис ривоят қилинган.

Ҳадисдаги «бир қарич ер» сўзи оз миқдорга далолат қилади. Бўлмаса бир қарич учун шунча жазо, ундек кўп ерларнинг тортиб олинса жазоларнинг янада каттароқ бўлишига далолат қилиб қолар эди.

Мамлакатлараро чегара талашларида қон тўкишгача борадиган муаммоларни ҳал қилишда бу ҳадис асқотади.

Шу ва олдинги ҳадисда ҳар икки саҳобанинг ҳам дуоибадлари қабул бўлганлигини кўрмоқдамиз. Уларнинг дуолари ҳам дуоибадлари ҳам қабул бўлган. Ҳар ҳолда муаллиф имом Нававий Аллоҳ дўстларига бўлган душманликнинг оқибати яхши бўлмаслигига ишора қилмоқчи бўлганлар.

Манба: hadis.islom.uz



